

Президентимиз мурожаатномаси амалда

Жорий йилнинг 24 январ санасида “Ирригация ва мелиорация” кафедраси ҳамда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани Гулистон МФЙда жойлашган “National agro products” фермер хўжалиги раиси Гоипов Хамид билан биргаликда давра суҳбати ўтказилди. Фермер хўжалигининг 300 гектар суғориладиган майдони бўлиб, пахта-ғалла алмашлаб экишга асосланган. Белгиланган режалар ҳар доим юқори ўринда бажариб келинмоқда.



Фермер хўжалигининг 47 гектар майдонида Европанинг ривожланган давлати, Италияда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш тизими орқали 2019 йилда пахта даласи суғорилган. Ҳозирги кунда 90 гектар майдонда пахта далаларини суғоришда томчилатиб суғориш технологияси лойиҳалаш учун Исроил Давлатининг “Netafim” компанияси билан Шартнома тузиш ишлари олиб борилмоқда.



Мазкур фермер хўжалик билан ҳамкорликда “Ўзани парваришида томчилатиб суғориш усулида суғориш тартибини ишлаб чиқиш” бўйича дала тажриба ишларини кафедра профессор-ўқитувчилари, бакалавр ва магистр билан биргаликда олиб бориши ҳамда институтимиз докторанти Эргашова Дильнара Толыбаевна ўзани магнитли сувдан фойдаланиб суғориш ишлари келишиб олинди. Мазкур бажариладиган ишлар бўйича тайёрланган ишчи дастур фермерга тақдим қилинди ва ишларнинг бажарилиш кетма- кетлиги келишиб олинди.

Ирригация ва мелиорация кафедраси, проф.в.б. Матякубов Б.Ш.ахбороти

Институт матбуот хизмати Раҳимбой Жуманиёзов